

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.05/30.12.2019 Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВА УМИДА САИДРАСУЛОВНА

ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ КАПАЛАКЛАРИ ҲАЁТИ ДАВОМИЙЛИГИ
АСОСИДА ЯНГИ СЕЛЕКЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ

06.02.04 – Ипакчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УЎК: 638.220.82

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences

Худайбердиева Умида Саидрасуловна
Тут ипак куртининг капалаклари ҳаёти давомийлиги асосида
янги селекция тизимларини баҳолаш..... 3

Худайбердиева Умида Саидрасуловна
Оценка новых селекционных линий тутового шелкопряда на основе
продолжительности жизни бабочек 23

Khudayberdieva Umida Saidrasulovna
Evaluation of new breeding systems based on the lifetime
of silkmoth butterfly 43

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD-05/30.12.2019.Qx-13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВА УМИДА САИДРАСУЛОВНА

ТУТ ИПАК КУРТНИНГ КАПАЛАКЛАРИ ҲАЁТИ ДАВОМИЙЛИГИ
АСОСИДА ЯНГИ СЕЛЕКЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ

06.02.04 – Ипакчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PHD/Qx394 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университети ва Илмийлик илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ziyouet.uz) ҳамда «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Наврӯзов Собир Наврӯзович

кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Расмий ошпононлар:

Исматуллаева Дилором Адаловна

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Батирова Азиза Негмуродовна

кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Этакчи ташкилот:

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD 05/30.12.2019. Qx.13.02 – рақамли Илмий кенгашнинг 2022 «12» 04 соат йиғинида мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60, e-mail: twag-info@cdi.uz, Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 545523 рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, ТошДАУ АРМ биноси, 1-кават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация авторферати 2022 йил «12» 03 куни тарқатилди.
(2022 йил «12» февралдаги 1- рақамли реестр баённомаси).



Ш.Р.Умаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раисси,
к.х.ф.д., профессор

У.Т.Дауиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раисси, к.х.ф.д., доцент

А.Гапиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раисси, к.х.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда тут ипак куртининг *Bombycidae* оиласига кирувчи, келиб чиқиши Хитой ва Япон зотларидан таркаган 1000 дан зиёд зотлари мавжуд. Хромосомасининг диплоид тўлами 56 га тенг бўлган моновольтин гуруҳлари энг махсулдор зотлар ҳисобланиб, ушбу зот ва тизимлар тут ипак куртининг янги сермахсул ва турли минтакаларга мос саноят зотлари ҳамда дурагайлари яратишда бошланғич селекция чидамли, саноят ипакчилиги Бугунги кунга келиб турли стресс шароитларга чидамли, саноят ипакчилиги юқори талабларга жавоб берадиган тут ипак куртининг ҳаётчанлик ва пилла махсулдорлик хусусиятлари юқори янги тизим, зот ва дурагайлари яратиш муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда тут ипак куртининг пилла хосилдорлиги, ҳаётчанлиги ва репродуктив хусусиятлари юқори бўлган, ҳамда йилига бир неча марта авлод берадиган зот ва тизимларини яратиш, улардан ипак курти уруғчилик корхоналарида тижорат мақсадларида фойдаланишни илмий асосда йўлга қўйиш борасида кенг камровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишдаги тадқиқотларда ХХр да бир марта курт боқиш циклида 1 касета (14,5 г) хисобидан 40-45 кг, ёки 1 кути курт (29 г) хисобига 80-85 кг тирик пилла етиштиришга эришилган. Аввалги яратилган зот ва саноят дурагайлариинг турли иқлим шароитларга мослашуви ва ипак толасини технологик хусусиятларини кескин ўзгариб бориши, тут ипак курти генотипларини танлашнинг замонавий усуллари асосида янгидан-янги селекция тизимларини олиштириш ҳамда махсулдорлиги ва технологик хусусиятлари дунё бозори талабларига жавоб берадиган тижоратбоп дурагайлари яратишни тақозо этмоқда.

Хар томонлама ривожланиб бораётган янги Ўзбекистонда саноят корхоналарини пилла хом-ашёси билан таъминлаш, айниқса жаҳон бозори конъюктурасини тез фурашлар билан ўзгариб, истеъмолчиларнинг талаблари кучаяётган жараёнда, жаҳон бозорида Ўзбек махсулотларига бўлган талабнинг ошаётганлигини инобатга олиб, экспортбоп ипак махсулотларини ишлаб чиқариш борасида ўта муҳим вазифалар амалга оширилмоқда. «...инновацион тоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини пилла етиштириш ва ўзи қайта ишлаш тармоғига йўнатириш самарадорлигини ошириш», шунингдек Ўзбекистон Республикасини 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида кишлоқ хўжалигида илм - фан ва инновацияга асосланган тизимни тақомиллаштириш¹ асосий йўналишлар сифатида белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда тут ипак куртининг репродуктив белгилари бўйича самарали танлаш, хусусан капалаклар ҳаёти давомийлиги бўйича ипак курти

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги «Республикада пиллачилик тармоғидаги маҳсулот истеъмолчиларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ТҚ-39/10-сонли қарори

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги 1100-60-сонли фармони

популяцияларини тадқиқ этиш ҳамда замонавий селекция усулларини ишлаб чиқиш орқали янги селекция тизимларини олиш, уларни наслчилик ва саннат уруғчилигига тавсия этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ - 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 20 августдаги ПҚ-3910-сон «Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон «Пиллачилик тармоғида чукур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда тут ипак курти селекцияси ва наслчилик ишининг турли йўналишларида А.М. Сафонова, У.Н.Насириллаев, А.Б.Якубов, С.С.Леженко, Ш.Р.Умаров, Б.У.Насириллаев, С.Н.Наврозов, Е.А.Ларькина, М.Д.Дехоновлар каби бир қатор олимлар чукур ва кенг қамровли изланишлар олиб борганлар. Ушбу олимлар ипак куртининг пилла маҳсулдорлиги, ҳаётчанлиги ва технология тадқиқотининг ўзгарувчанлиги, ўзаро боғлиқлик даражаси ҳамда ирсийланишини хар хил зот ва селекция тизимлар популяцияларида чукур тадқиқ этганлар. Хусусан ипак курти капалакларининг экстеръери ва тана ўлчамлари ҳамда ҳаётчанлик, пушгдорлик, пилла маҳсулдорлиги белгилари билан коррелятив боғлиқлиги даражаси атрофлича ўрганилган ва тегишли хулосалар қилинган.

Шунингдек, пиллачиликда етакчи бўлган хорижий давлатлар олимлари M.Bashir, A.S.Kamili, M.A.Bharat, S.A.Ahsan, M.D.Rahman, K.N.Hammatabadi, A.Seidavi, T.P.Kumar, N.Fujimoto, K.B.Shekar, H.K.Basavaraјalar томонидан тут ипак куртини фақат ипак хом ашёси олишдагина эмас, балки биологик кузатишлар олиб боришда ҳам муҳим хашаротлардан бири эканлиги, шунингдек турли иқлим шароитларда селекция ишларини олиб бориш, микдор ва сифат белгиларини ирсийланиши, танлашнинг интенсив усулларини ишлаб чиқиш ҳамда пилла қобиғи оғирлиги, толаннинг метрик номери, тола узунлиги, куртларнинг яшовчанлиги, пилла оғирлиги, уруғларнинг жонланувчанлигига оид илмий изланишлар олиб борилган.

Аммо, эришилган қатор илмий изланиш натижаларига қарамай, капалаклар ҳаёти давомийлигининг ўзгарувчанлиги ва етакчи хўжалик қиммати белгилари билан ўзаро алоқадорлиги етарлича тадқиқ этилмаган. Бутунги кунда ушбу йўналишдаги муаммоларга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш катта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг 2018 йил 28 февралдаги 8-сонли баённомаси асосида тасдиқланган «Тут ипак куртининг капалаклари ҳаёти давомийлиги асосида янги селекция тизимларини баҳолаш» мавзусидаги илмий тадқиқотлари асосида бажарилган (2018-2020 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади тут ипак куртининг янги селекция тизимлари популяциясини табақалаш асосида, капалаклар ҳаёти давомийлигини куртлар ҳаётчанлиги ва пилла маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсирини ҳамда хўжалик қимматли белгилари билан ўзаро боғлиқлик даражасини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

селекция тизим ва зотларнинг капалаклар ҳаёти давомийлигини аниқлаш;

тизим ва зотлар капалаклик даврини ўзгарувчанлиги ва етакчи селекция белгилар билан коррелятив боғлиқлик даражасини аниқлаш;

ингичка ипак толали, жинси нишонланган ва районлаштирилган зотлар популяциясида репродуктив, пилла маҳсулдорлик, ҳаётчанлик ва технология кўрсаткичларини аниқлаш;

капалаклар ҳаёти давомийлиги бўйича селекция зот ва тизимлар популяциясини табақалаш;

капалаклар танасидаги оксил ва азот микдорини аниқлаш;

тадқиқот натижаларини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Bombyx mori L.* тут ипак куртининг тўртта янги селекция тизимлари Линия 5м., Линия 11м., Линия 66, Линия 67 ва иккита районлаштирилган Асака, Мархамат зотлари ҳамда Линия 66 х Линия 67, Линия 67 х Линия 66, Асака х Мархамат, Мархамат х Асака дургаайлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети тут ипак куртининг селекция тизим ва зотлар капалаклари ҳаёти давомийлигининг ўзгарувчанлиги ва хўжалик қиммати белгилари ўртасидаги ўзаро коррелятив боғлиқлик даражасини тадқиқ этиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқотларни олиб боришда амалдаги умум агрозоотехникавий, генетик (корреляция коэффициентларини аниқлаш) селекция (биометрия, ўзгарувчанлик коэффициентини ва фарқланишни даражаси) ҳамда капалаклар ҳаёти давомийлиги бўйича баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тут ипак куртининг зот ва тизимлар популяциясида капалаклар ҳаёти давомийлиги ўзгарувчанлиги кенг қамровга (29,58-58,05%) эгаллиги аниқланган;

капалаклар ҳаёти давомийлиги ва асосий 10 хил селекция белгилар ўртасидаги фенотипик корреляция коэффициентлари аниқланган ($r_p = -0,407 - 0,784$);

ингичка ипакли, жинси нишонланган ва оддий зот, тизимлар популяциясида селекция авлодни капалаклар ҳаёти давомийлиги бўйича танлашни ҳаётчанлик, пилла маҳсулдорлик ва репродуктив белгиларига таъсири илмий жиҳатдан асосланган;

ипак толасининг технологик кўрсаткичлари ва капалаклар ҳаёти давомийлиги алоқадорлиги ҳам ипак чиқиши, ипак толасининг ингичкалиги ҳамда тола узунлиги белгиларининг кўрсаткичлари асосида исботланган;

9-18 сутка давомда яшаган капалаклар авлодида тухум жонланиши, куртларнинг ҳаётийлиги ва капалаклар тана ўлчамлари юқори бўлиши аниқланган;

капалаклар ҳаёти давомийлиги ва уларнинг танасидаги органик моддалар миқдори ўртасидаги боғлиқлик аниқланган ($r_p = -0,305 - 0,995$);

тут ипак курти селекция жараёни самарасини ошириш ва бошлангич материални тўғри танлаш имконини берувчи тут ипак куртининг селекция тизимларини капалаклар ҳаёти давомийлиги бўйича баҳолашнинг янги услубиёти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тут ипак курти селекцияси ва наслчилигида, жаҳон бозорига талаб юқори бўлган ингичка ипак берадиган, шу билан бирга ҳам ипак чиқиши юқори кўрсаткичларга эга зот ва тизимларни яратишда бошлангич селекция материал сифатида узоқ муддат яшаган капалаклардан насл олиш йўлга қўйилган;

тут ипак куртининг капалаклари ҳаёти давомийлигини ўрганиш давомида узоқроқ яшаган капалаклар авлодида ҳаётчанлик, репродуктив ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини оширишга эришилган;

капалаклар ҳаёти давомийлиги бўйича танлаш оркали ипак куртининг ҳаётчанлик, пилла маҳсулдорлик ва репродуктив белгиларини яхшилашга эришилиб улар наслчилик станциялари ва уруғчилик корхоналарида жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар селекциянинг замонавий услубларидан фойдаланиб лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида тут ипак куртини боқиш ва пилла маҳсулоти етиштириш бўйича Ўзбекистонда амалда бўлган услублар асосида бажарилган, илмий ҳисоботларни кафедра ва факультет илмий кенгашида муҳокамадан ўтказилганлиги ҳамда бирламчи хужжат ва илмий ҳисоботлар Тошкент давлат аграр университети ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институти апробация комиссиялари томонидан ижобий илмий-тадқиқот натижалари математик ва статистик баҳоланган. Олинган тажриба натижалари етакчи илмий нашрларда таҳлилдан ўтказилганлиги, илмий натижалар етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижаларини жорий

этиш далолатномалари тегишли давлат ташкilotлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, капалаклар ҳаёти давомийлигини ўрганиш асосида, нисбатан узоқ яшаган капалаклар авлодининг барча кўрсаткичлари (ҳаётчанлик, пуштдорлик, маҳсулдорлик ва технологик) анчагина юқорилиги аниқланган ҳамда етакчи хўжалик белгилари билан коррелятив боғлиқлик мавжудлиги асосланган. Олинган илмий тадқиқот натижалари ипак курти селекцияси ва наслчилиги фанлари назариясини илмий жиҳатдан бойитиш билан бирга янги зотларни яратишда ҳамда уларни наслчилик станцияларида дастлабки кўлайитириш жараёнларида қўлланилиши ўзининг ижобий самарасини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, илмий маълумотлар асосида ишлаб чиқилган «Тут ипак куртининг селекция тизимларини капалаклар ҳаёти давомийлиги бўйича баҳолаш» номли услубий қўлланма, пилла наслчилик станциялари ҳамда уруғчилик корхоналарида амалга ошириладиган селекция ва наслчилик жараёнларида кенг қўлланилиши тайёрланадиган суперэлиита, элита ва санаотоп тут ипак курти уруғлари сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тут ипак курти капалаклари ҳаёти давомийлигини ўрганиш жараёнида олинган тадқиқот натижалари асосида:

«Тут ипак куртининг селекция тизимларини капалаклар ҳаёти давомийлиги бўйича баҳолаш» номли услубиёти асосида «Мархамат х Асака», «Асака х Мархамат», «Линия 66 х Линия 67», «Линия 67 х Линия 66» санаот дурагайлари «Фаргона Пилла Наслчилик» МЧЖ да жорий қилинган («Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун санаотини ривожлантириш» қўмитасининг 3-2/947-сонли маълумотномаси 25.08.2021 й.). Мазкур усулни жорий қилиниши натижасида амалдаги усулга нисбатан 4,5 қути қўшимча элита уруғи олинган. Иқтисодий самарадорлик 659655 сўмни, соф фойда 271862 сўмни ташкил этиб, рентабеллик даражаси 66,7 % га кўтарилган;

тут ипак куртининг «Асака х Мархамат» ва «Мархамат х Асака» дурагайлари «Фаргона Агро пилла» МЧЖ да жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун санаотини ривожлантириш» қўмитасининг 3-2/947-сонли маълумотномаси 25.08.2021 й.). Натижада хар бир қути тажрибадаги дурагайдан қисловчига нисбатан 7,3 кг қўшимча пилла ҳосили ва 0,8 кг хом ипак олинган. Иқтисодий самарадорлик 252000 сўмни, соф фойда 52740 сўмни ва рентабеллик даражаси 26,5 % ни ташкил этган;

яратилган «Линия 66 х Линия 67» ва «Линия 67 х Линия 66» дурагайлари Сирдарё вилояти, «Боёвут туман Агро-пилла» МЧЖ да жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун санаотини ривожлантириш» қўмитасининг 3-2/947-сонли маълумотномаси 25.08.2021 й.). Натижада парваришланган 3 қути дурагай куртлардан қўшимча 5,5 кг

тизимларини капалаклар ҳаёти давомийлиги бўйича баҳолаш» услубийетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «Тут ипак курти капалагининг ҳаёти давомийлиги ва етакчи селекция белгилари» деб номланган учинчи бобда капалаклар ҳаёти давомийлиги ва тана ўлчамлари ҳамда капалаклар ҳаёти давомийлиги кўрсаткичини табақалаш, селекция тизим ва зотларнинг пилла маҳсулдорлиги, репродуктив (пушторлик) кўрсаткичлари киёсий ўрганилган.

Диссертация ишимизнинг асосий мақсади тут ипак куртининг янги селекция тизимларини яратиш жараёнида капалаклар ҳаёти давомийлиги белгиси бўйича селекция материални тўғри баҳолаш усулини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз селекция нуктаи назаридан тадқиқот ишимизда энг асосий саволга жавоб топишимиз керак эди, яъни қисқа яшаган капалаклар фойдалими ёки узокроқ муддат яшаган капалаклар селекция ишлари учун аҳамиятлими? Қўйилган вазифалар асосида биринчи навбатда биз капалакларни ҳаёти давомийлигини бошқа селекция белгилар билан параллель равишда комплекс ўргандик. Капалаклар ҳаёти давомийлиги аниқланган капалаклар тана ўлчамлари, пилла маҳсулдорлиги, ҳаётчилиги ва унинг кейинги авлолда туҳумлар жонланишидан бошлаб, барча ҳужайра белгиларининг кўрсаткичлари аниқланди.

Бизнинг илмий изланишимизда илк бор ургочи капалаклар ҳаёти давомийлиги билан ҳаётчанлик, маҳсулдорлик белгилари ўртасидаги корреляция коэффицентларини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун Линия 5м, Линия 11м, Линия 66, Линия 67, Асака, Марҳамат зотларининг капалакларни ҳаёти давомийлиги бўйича олинган авлод туҳум қўймалари 3 та градацияга (гурухга) ажратилди. Зот ва тизимларнинг градациялари қуйидагича тузилди:

- I-градация: 9-18 сутка яшаган капалаклар;
- II-градация: 7-8 сутка яшаган капалаклар;
- III-градация: 1-6 сутка яшаган капалаклар.

Ушбу градацияларга ўртача 7-8 талдан туҳум қўймалари бирлаштирилди ва туҳумлар аралашмаси ҳосил қилинди. Қуйидаги I-жадвалда йиллар кесимида 2 та зотнинг капалаклар ҳаёти давомийлиги кўрсаткичлари келтирилган.

1-жадвал

Асака ва Марҳамат зотлари ургочи капалакларининг ҳаёти давомийлигини градациялар бўйича тақсимлашни

Градациялар	Асака		Марҳамат	
	ҳаёт давомийлиги оралиғи, сутка	ўртача ҳаёт давомийлиги $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$, сутка	ҳаёт давомийлиги оралиғи, сутка	ўртача ҳаёт давомийлиги $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$, сутка
I	2	3	4	5
2018 йил				
I-градация	9-11	11,0±0,58	9-13	11,17±0,749
II-градация	7-8	7,5±0,501	7-8	7,2±0,199

пилла ва 0,6 кг хом ипак олинган. Иқтисодий самарадорлик 189000 сўмини, соф фойда 35355 сўмини ва рентабеллик даражаси 23,0 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та услубий кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, шунингдек 8 та тезис, жумладан 5 таси республика ва 3 таси халқаро конференцияларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, ишнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифалари баён қилинган, олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Адабиётлар шарҳи» деб номланган биринчи боби тўртта бўлимдан иборат бўлиб, тут ипак курти уруғчилигининг илмий асослари, танлаш самарадорлигининг селекция белгилар ўзгаришчанлигига боғлиқлиги, ҳўжалик қимматли белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги, тут ипак курти капалакларининг репродуктив белгиларини аҳамияти таҳлил этилган. Мавзуга доир кўлаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар келтирилган. Шунингдек, келгуси авлодни колдирадиган ургочи капалаклар хусусиятларини ўрганиш ва уни керакли томонга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги маълумотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот шароити, материали ва услубийети» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот жойи, объекти ва услублари баён этилган. Тажрибалар 2018-2020 йиллар давомида Тошкент Давлат аграр университети ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг махсус куртхоналарида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг об-ҳавоси бир-биридан фарқ қилувчи турли вилоятларида олиб борилган. Тажрибалар тут ипак куртининг «Линия 5 м», «Линия 11 м», «Линия 66», «Линия 67», «Асака», «Марҳамат» тизим ва зотларида ўтказилди. Олиб борилган тажрибаларда мавжуд услубийетлар ҳамда тадқиқот иши давомида ишлаб чиқилган «Тут ипак куртининг селекция

1	2	3	4	5
II-градация	1-3	2,33±0,667	2-5	4,0±0,55
(Pd)		0,999		0,999
2019 йил				
I-градация	9-14	10,6±0,36	9-15	10,9±0,29
II-градация	7-8	7,8±0,167	7-8	7,54±0,144
III-градация	3-6	7,28±0,599	0-6	4,5±1,50
(Pd)		0,999		0,999
2020 йил				
I-градация	9-11	10,3±0,33	9-13	10,6±0,33
II-градация	7-8	7,58±0,149	7-8	7,4±0,24
III-градация	4-6	5,3±0,29	3-5	4,3±0,67
(Pd)		0,999		0,999

1-жадвалда капалаклар 0-3 суткадан 9-15 суткагача яшаганини кўриш мумкин. Келтирилган маълумотларни таҳлил қилсак, Асака зоти бўйича 2018 йилда капалакларнинг ҳаёти давомийлиги 1 суткадан 11 суткагача давом этганлигини, 2019 йилда эса шу зот бўйича бу кўрсаткич 3 суткадан 14 суткагача, 2020 йилда бу диапазон бироз қисқариб, 4-11 суткани ташкил этди. Худди шундай рақамларни тажрибадаги иккинчи Мархамат зотида ҳам кузатиш мумкин.


Ургочи ва эркак капалаклар ҳаёти давомийлиги билан уларнинг тана ўлчамлари ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи уч йиллик ва ўртача маълумотлар (2018-2020 й.й.) 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал
Ургочи ва эркак капалаклар ҳаёти давомийлиги ва уларнинг тана ўлчамлари (2018-2020 й.й. баҳор)

Зот ва тизимлар	Йиллар	Капалаклар ҳаёти давомийлиги $\bar{X} \pm S \bar{X}$, сутка		Капалак эни $\bar{X} \pm S \bar{X}$, см		Капалак бўйи $\bar{X} \pm S \bar{X}$, см		Капалак тана ўлчами юзаси $\bar{X} \pm S \bar{X}$, см ²	
		2	3	4	5	6			
Линия 5 м	2018	7,65±0,397	1,24±0,0625	2,52±0,0495	3,23±0,2055	8,9	7,5	8,7	8,5
	2019	8,9±0,53	1,2±0,04	2,5±0,05	3,11±0,141	7,65	7,1	7,4	8,3
	2020	7,5±0,48	1,1±0,05	2,3±0,03	2,48±0,049	7,1	6,2	6,25	6,6
	Ўртача	8,02±0,469	1,18±0,051	2,44±0,043	2,94±0,132	7,4	6,2	6,25	7,4
	Ўртача	7,1±0,505	1,025±0,063	2,3±0,055	2,48±0,1655	7,5	6,25	6	7,92
Линия 11 м	2018	8,7±0,45	1,2±0,04	2,36±0,04	2,77±0,118	8,8	7,5	7,92	8,3
	2019	7,4±0,502	1,0±0,02	2,3±0,04	2,4±0,064	7,4	6,2	6,25	7,4
	2020	7,73±0,486	1,075±0,041	2,32±0,045	2,55±0,116	7,1	6,2	6,25	7,4
	Ўртача	6,2±0,895	0,9±0,05	2,35±0,06	2,28±0,093	7,5	6,25	6	7,92
	Ўртача	8,8±0,48	1,0±0,03	2,2±0,05	2,28±0,093	7,1	6,2	6,25	7,4
Линия 66	2018	7,5±0,37	0,9±0,03	2,2±0,04	2,16±0,079	8,3	7,4	7,92	8,5
	2019	8,8±0,48	1,0±0,03	2,2±0,05	2,28±0,093	7,65	7,1	7,4	8,3
	2020	7,5±0,37	0,9±0,03	2,2±0,04	2,16±0,079	7,1	6,2	6,25	7,4
	Ўртача	7,5±0,58	0,93±0,037	2,25±0,05	2,21±0,102	7,4	6,2	6,25	7,4
	Ўртача	8,02±0,469	1,18±0,051	2,44±0,043	2,94±0,132	7,4	6,2	6,25	7,4

1	2	3	4	5	6
Линия 67	2018	6,25±0,66	1,05±0,025	2,1±0,07	2,19±0,0865
	2019	3,1±0,69	1,0±0,03	2,1±0,05	2,18±0,096
	2020	6,0±0,52	0,9±0,03	2,07±0,057	2,00±0,106
	Ўртача	5,12±0,623	0,98±0,028	2,09±0,059	2,12±0,096
	Ўртача	6,25±1,13	1,15±0,17	2,275±0,0625	2,73±0,4195
Асака	2018	7,92±0,48	1,18±0,042	2,2±0,05	2,98±0,138
	2019	7,4±0,41	1,1±0,03	2,2±0,05	2,48±0,084
	2020	7,19±0,673	1,14±0,081	2,29±0,054	2,73±0,214
	Ўртача	7,19±0,673	1,14±0,081	2,29±0,054	2,73±0,214
	Ўртача	6,6±0,79	1,08±0,059	2,3±0,055	2,5±0,18
Мархамат	2018	8,3±0,45	1,2±0,04	2,4±0,04	3,06±0,119
	2019	8,5±0,42	1,1±0,02	2,3±0,03	2,58±0,059
	2020	7,8±0,55	1,13±0,039	2,33±0,042	2,71±0,119
	Ўртача	7,8±0,55	1,13±0,039	2,33±0,042	2,71±0,119
	Ўртача	7,8±0,55	1,13±0,039	2,33±0,042	2,71±0,119

2-жадвалга кўра, узок яшаган капалаклар тана ўлчамлари қисқа умр кўрган капалакларникидан катта бўлиши кузатилади. Масалан Линия 5м тизими 2019 йил мавсумидаги капалаклари 8,9 сутка яшаган бўлиб, капалак эни 1,2 смни, бўйи 2,5 смни ва тана ўлчами юзаси 3,11 см²ни ташкил қилаётган бўлса, Линия 67 тизими капалаклари 2019 йил мавсумида 3,1 сутка умр кўриб, капалаклар эни 1,0 смни, бўйи 2,1 смни ва тана ўлчами юзаси 2,18 см²ни ташкил қилмоқда, яъни узок умр кўрган капалаклар тана ўлчами юзаси қисқа умр кўрганлариникига нисбатан 30-35 фоизга йирик бўлмоқда. Бу маълумотлар капалаклар ҳаёти давомийлиги билан улар танасининг тана ўлчами юзаси ўртасида ижобий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.



1-расм. Зот ва тизимларнинг 2018-2020 йилларда капалаклар ҳаёти давомийлиги.

1-расмдаги гистограммада келтирилган ўтилган капалаклар ҳаёти давомийлиги кўрсаткичи зот ва тизимлар бўйича уч йил давомида кескин фарқ қилмаётганини кўрсатди. Фақатгина 2019 йилги кўрсаткичлар 2018 ва 2020 йилларга нисбатан бироз юқорироқ даражада намоён бўлди. Ушбу кўрсаткич 2019 йилда Линия 5м тизмида 8,9 суткани ташкил этган бўлса, 2018 ва 2020 йилларда 7,65 сутка яшади. Қолган линия ва зотларда эса мос равишда, Линия 11м - 8,7 сутка ва 7,1-7,4 сутка; Линия 66 - 8,8 сутка ва 6,2-7,5 сутка; Линия 67 - 3,1 сутка ва 6,25-6,0 сутка; Асака - 7,92 сутка ва 6,25-7,4 сутка; Мархамат - 8,3 сутка ва 6,6-8,5 суткани ташкил этди. Ўртача кўрсаткичлар бўйича тахлил қилганда, энг узок муддат яшаган тизимларга Линия 5м (8,9 сутка), Линия 66 (8,8 сутка) ва Линия 11м (8,7 сутка)ларни киритиш мумкин. Умуман олганда Линия 67 тизимидаан бошқа барча тизим ва зотлар капалаклари 6,0 суткадан 8,9 суткагача яшаши аниқланди. Табиийки, ушбу кўрсаткич ўртача арифметик бўлиб, зот ва тизимлар популяциясида жуда қисқа (2 сутка) ёки анчагина узок (20 сутка) яшаган индивидлар ҳам учради.


Капалаклар ҳаёти билан қиёсий ўрганилган кейинги белги, бу пилла маҳсулдорлиги бўлиб, кўрсаткичлар 3-жадвалдан ўрин олган.

3-жадвал

Капалаклар ҳаёти давомийлиги ва пилла маҳсулдорлиқ кўрсаткичлари (2018-2020 йй. баҳор)

Зот ва тизимлар	Йиллар	Капалаклар ҳаёти давомийлиги $\bar{X} \pm S\bar{X}$, сутка	Пилла вазни $\bar{X} \pm S\bar{X}$, г	Пилла қобиғи вазни $\bar{X} \pm S\bar{X}$, мг	Ипақчанлик $\bar{X} \pm S\bar{X}$, %
1	2	3	4	5	6
Линия 5	2018	7,65±0,397	2,03±0,017	483,5±3,1	24,0±0,125
	2019	8,9±0,53	1,96±0,043	482±8,7	24,8±0,42
	2020	7,5±0,48	1,63±0,029	350±8,3	21,5±0,32
Линия 11	Ўртача	8,02±0,469	1,87±0,029	438,5±6,7	23,43±0,288
	2018	7,1±0,505	1,77±0,048	421,5±4	23,9±0,245
	2019	8,7±0,45	1,87±0,031	461±9,1	25,0±0,32
Линия 66	2020	7,4±0,502	1,62±0,036	347,8±9,6	20,9±1,09
	Ўртача	7,73±0,486	1,75±0,038	410,1±7,57	23,27±0,552
	2018	6,2±0,895	1,84±0,221	442±3,8	24,2±0,255
Линия 67	2019	8,8±0,48	1,63±0,025	406±7,2	25,1±0,26
	2020	7,5±0,37	1,39±0,038	320±6,9	23,3±0,33
	Ўртача	7,5±0,58	1,62±0,095	389,3±5,97	24,2±0,28
Линия 67	2018	6,25±0,66	1,41±0,033	371,5±9,85	26,7±0,28
	2019	3,1±0,69	1,42±0,03	373±9,3	26,5±0,43
	2020	6,0±0,52	1,59±0,047	343±10,4	21,9±0,49
Ўртача	5,12±0,623	1,47±0,037	362,5±9,85	25,03±0,4	

1	2	3	4	5	6
Асака	2018	6,25±1,13	2,03±0,031	421,5±4,3	21,1±0,135
	2019	7,92±0,48	1,98±0,034	456,0±10,97	23,4±5,14
	2020	7,4±0,41	1,65±0,028	355±7,9	21,8±0,28
Мархамат	Ўртача	7,19±0,673	1,89±0,031	410,8±7,72	22,1±1,85
	2018	6,6±0,79	1,98±0,02	433±3,6	22,2±0,14
	2019	8,3±0,45	2,16±0,029	483±8,9	22,5±0,303
2020	8,5±0,42	1,83±0,025	387±7,4	21,5±0,73	
Ўртача	7,8±0,55	1,99±0,025	434,3±6,63	22,07±0,391	



2-расм. Зот ва тизимларнинг пилла вазни.

3-жадвалда ва 2-расмда келтирилган уч йиллик ўртача кўрсаткичлар шуни кўрсатмоқдаки, капалаклар узокроқ яшаши билан уларнинг пилла ва ипақ қобиғи вазни ортар экан. Ушбу ҳолат Линия 5м ва Мархамат зотларида аниқ кўринди. Капалаклар ҳаёти давомийлиги ушбу зотларда 8,02 ва 7,8 суткани ташкил этганда, пилла вазни мос равишда 1,87г ва 1,99г тенг бўлди. Пилла қобиғи вазни ҳам худди пилла вазни каби анчагина юқорироқ кўрсаткични намоён этди (438мг ва 434,3мг). Энг кам яшаган Линия 67 тизим (5,12 сутка)нинг пилла вазнига эътибор қаратадиган бўлсак, бу кўрсаткич ўртача 1,47 граммни ва ипақ қобиғи вазни 362,5 мг ни ташкил қилмоқда. Кўриниб турибдики, капалаклар ҳаёти қисқа бўлиши пилла ва қобиғи вазини пасайишига олиб келар экан. Тирик пилла ипақчанлиги бўйича кўрсаткичларни тахлил қиламиз. Жадвалда келтирилган маълумотлар капалак узок яшаши билан ипақчанлик пасайишини тасдиқлайди. Мисол учун узокроқ яшаган Асака ва Линия 5м зотларининг ипақчанлиги 22,07-23,43% атрофида бўлса, кам яшаган Линия 67 тизимнинг пиллалари ипақчанлиги 25,03%ни ташкил этди. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида пилла вазнига таъсир этиши мумкин бўлган яна бир селекция омили мавжудлиги аён бўлади. Пилла вазни қанчалик вазли, оғирроқ бўлса албатта пилла ҳосилдорлиги ҳам юқори бўлади.

2018-2020 йиллар бўйича корреляция коэффициентларини тахлил қилар эканмиз, капалаклар ҳаёти давомийлиги ва ипакчанлик ўртасида салбий, $r_p = -0,232$ боғлиқликни кўришимиз мумкин. Шунингдек, капалаклар ҳаёти давомийлиги - физиологик брак ўртасида ҳамда касаллик фойзи ўртасида $r_p = -0,407$, $r_p = -0,129$ кўрсаткичлар аниқланди. Ушбу манфий корреляция коэффициентларидан капалаклар канчалик узок давр яшаса, улар ўраган пилалар ипакчанлиги кам, физиологик брак уруғлар улуши кам ва касалланиш даражаси ҳам пастроқ бўлиши ҳақидаги хулоса келиб чиқади.

Капалакларнинг тана ўлчами юзаси, пилла вазни, пилла қобили вази ҳамда капалаклар ҳаёти давомийлиги ўртасида мос равишда $r_p = 0,737$; $r_p = 0,502$; $r_p = 0,655$ коэффициентлар аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар сўзсиз капалаклар канчалик узокроқ яшаса, пилласи вазндор, капалак тана ўлчами юзаси катта ва пилла қобили ҳам оғирроқ бўлишидан далолат беради.

Селекцион материалнинг пуштдорлиги ва капалаклар яшаш давомийлиги ўртасида қандай боғлиқлик мавжудлиги ҳам селекцион тадқиқотлар учун катта аҳамиятга эга. Маълум бўлишича, капалаклар ҳаёти давомийлиги ва қўймадаги туҳумлар сони ҳамда вази ўртасида жуда яқин ижобий боғлиқлик мавжуд экан. Ушбу корреляция коэффициентлари $r_p = 0,751-0,784$ ораллигида бўлиб, жуда юқори натижа ҳисобланади ва табиийки, капалаклар канчалик узок яшаса, улар кўп ва вазндор уруғ қўяди деб хулоса қилиш мумкин.

Селекция ишида туҳум жонланиши ва личинкаларнинг ҳаётчанлиги энг асосий танлов белгилари ҳисобланади. Чунки ҳар қандай сифат ва ҳосилдорликка эга насли авлод соғлом, ҳаётчан бўлиши ва уларнинг бош сони максимал даражада сақлаб қолиниши зарур. Акс ҳолда, бундай зот ва дурагайлар ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топа олмайди. Шунинг учун тадқиқот ишмида капалаклар ҳаёти давомийлиги ва туҳумлар жонланиши, кўртлар ҳаётчанлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликка алоҳида эътибор қаратдик. 4-жадвалда келтирилган корреляция коэффициентлари капалаклар ҳаёти давомийлиги ва кўртлар ҳаётчанлиги, туҳумлар жонланиши ўртасида яқин ижобий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатиб турибди ($r_p = 0,501$; $r_p = 0,740$). Айниқса, капалаклар яшаш ва туҳумлар жонланиши ўртасида жуда яқин корреляция борлиги аниқланди.

Умуман олганда, 4 та янги тизим ва 2 та селекцион зотлар устида олиб борилган тажриба натижалари асосида насли капалаклар канчалик узок яшаса, кейинги авлод кўртлари шунчалик яшовчан ва туҳумлардан кўртлар жонланиши фаол бўлиши аниқланди.

Капалаклар ҳаёти давомийлиги ва селекцион белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик амалий селекция учун жуда муҳим бўлса, ушбу белгининг капалак танасидаги оқсил ва N микдори билан боғлиқлик даражаси биология ва тут ипак курти биокимёси учун катта аҳамиятга эга. Шулардан келиб чиқиб, биз ўз тадқиқот ишмида илк бор биокимёвий тахлиллар ўтказишга қарор қилдик. Бундан асосий мақсад - турлича давомийликда яшган капалаклар танасида N ва оқсил микдорини аниқлаш ҳамда ушбу белгилар ўртасида

Диссертациянинг «Тут ипак курти капалаклари ҳаёти давомийлиги ва етакчи селекцион белгилар ўртасидаги боғлиқлик» деб номланган тўртинчи бобда тадқиқот ишмизнинг асосий максади тут ипак курти селекция тизимларини капалаклар ҳаёти давомийлиги асосида танлаш бўлгани учун ушбу янги селекция белгининг хусусияти, бошқа селекция белгилари билан коррелятив боғлиқлик даражасини аниқлашга ҳаракат қилдик. Жумладан, капалаклар тана ўлчами юзаси, пилла вазни, пилла қобили вази, ипакчанлик, қўймадаги туҳумлар сони, вази, физиологик брак ва туҳумлар жонланиши ҳамда кўртлар ҳаётчанлиги ва капалаклар ҳаёти давомийлиги ўртасидаги корреляция коэффициентини энг муҳим параметрлар ҳисобланади. 4-жадвалда 2018-2020 йиллар давомида 4 та тизим ва 2 та зотлар популяциясида аниқланган фенотипик корреляция коэффициентлари келтириб ўтилган.

4-жадвал

Капалаклар ҳаёти давомийлиги ва етакчи селекция белгилари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Боғланган белгилар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	Ўртача
Линия ва зотлар бўйича				
Капалак ҳаёти давомийлиги-Капалак тана ўлчами юзаси, см ²	0,771	0,612	0,829	0,737±0,0374
Капалак ҳаёти давомийлиги-пилла вази, г	0,354	0,707	0,446	0,502±0,1059
Капалак ҳаёти давомийлиги-пилла қобили вази, мг	0,669	0,747	0,549	0,655±0,0577
Капалак ҳаёти давомийлиги-ипакчанлик, %	0,014	-0,601	-0,108	-0,232±0,1882
Капалак ҳаёти давомийлиги-туҳум сони, дона	0,598	0,831	0,923	0,784±0,0968
Капалак ҳаёти давомийлиги-туҳум вази, мг	0,587	0,854	0,811	0,751±0,0829
Капалак ҳаёти давомийлиги-физиологик брак, %	-0,143	-0,969	-0,109	-0,407±0,8889
Капалак ҳаёти давомийлиги-кўртлар ҳаётчанлиги, %	0,666	0,056	0,780	0,501±0,2250
Капалак ҳаёти давомийлиги-касаллик фойзи, %	-0,230	-0,056	-0,290	-0,129±0,0833
Капалак ҳаёти давомийлиги-туҳумлар жонланиши, %	0,954	0,878	0,388	0,740±0,1776

4-жадвал кўрсаткичларини тахлил қилишдан олдин шуну таъкидлаш керак, яъни агар капалаклар ҳаёти давомийлиги ва етакчи селекцион белгилар ўртасида яқин мусбат коррелятив боғлиқлик аниқланса, селекцион тизимларни яхшилашда капалаклар ҳаёти давомийлиги бўйича танлаш ўтказиш мумкин бўлади.

кандай коррелятив боғлиқлик мавжудлигини илмий жиҳатдан асослашди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун тут илак куртининг 4 та тизими ва 2 та селекцион зотлари капалаклар 3 гуруҳга - кам, ўрта ва узоқ яшаган гуруҳларга ажратилди ва уруғ ташлагандан сўнг N ва оксил микдори аниқланди. Оксилнинг микдори ҳам худди N микдорига мос равишда Мархамат, Линия 11м, Асака зотларида бошқа тизимларга нисбатан сезиларли даражада юқори натижани кўрсатди. Қуйидаги 5-жадвалда капалаклар ҳаёти давомийлиги ва органик бирикмалардан N ва оксил микдори ўртасидаги корреляция коэффициентини келтирилган.

5-жадвал

Капалаклар ҳаёти давомийлиги ва органик бирикмалар микдори ўртасидаги корреляция коэффициентлари (r_p) (2018 й.)


Зотлар	Фенотипик корреляция коэффициенти (r_p)	
	ҳаёти давомийлиги - N микдори	ҳаёти давомийлиги - оксил микдори
Линия 11м	0,761	0,760
Линия 5м	0,937	0,979
Линия 67	0,995	0,993
Линия 66	0,305	0,305
Мархамат	0,888	0,887
Асака	0,850	0,853

Бевосита капалаклар ҳаёти давомийлиги ва N, оксил микдори ўртасидаги фенотипик корреляция коэффициентларини тахлил қилиб, энг аввало иккала кўрсаткич бўйича яқин ижобий коррелятив боғлиқлик аниқлангани таъкидлаш керак. Тадқиқ этилган 4 та тизим ва 2 та зотлардан Линия 66 тизимида капалаклар ҳаёти давомийлиги ва N, оксил микдори ўртасида корреляция коэффициенти бир хил $r_p=0,305$ кўрсаткичга тенг бўлди. Ушбу кўрсаткич мазкур белгилар ўзаро нисбатан кучсиз, лекин ижобий боғланганидан далolat беради. Ҳар икки боғланган жуфтликлар бўйича жуда юқори фенотипик корреляция коэффициентлари аниқланди. Капалаклар ҳаёти давомийлиги - N микдори ўртасида $r_p=0,761-0,995$ ва капалаклар ҳаёти давомийлиги оксил микдори ўртасида $r_p=0,760-0,993$ коэффициентлар капалаклар қанчалик узоқ яшаса, унинг танасида оксил ва N шунчалик кўп бўлишини аниқлатади. Илак курти организмда оксилни кўп бўлиши, унинг маҳсулдорлиги юқори бўлишдан, органилари соғлом бўлишдан дарак беради. Юқорида тахлил қилинган натижаларга асосланиб, селекция жараёнида капалаклар ҳаёти давомийлиги асосида селекция материалнинг маҳсулдорлигини башорат қилиш, ҳамда сермахсул селекция авлодини танлаш мумкин бўлади.

Капалаклар ҳаёти давомийлиги тут илак курти селекциясида янги, кам ўрғанилган селекция белги сифатида агрофилча тадқиқ этилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, ушбу белгини бошқа белгилар билан боғлиқлигини аниқлаш, унинг зот ва тизимлар популяциясида қандай ўзгаришларга эга эканини тадқиқ этдик. 6-жадвал ва 3-расмдаги гистограммада капалаклар ҳаёти давомийлиги ўзгаришчанлик коэффициентлари келтирилган.

6-жадвал
Капалаклар ҳаёти давомийлиги, тана ўлчами юзаси ва пилла вазнининг ўзгаришчанлиги (2018-2020 йй. бяхор)

Зот ва тизимлар	Йиллар	Ўзгаришчанлик коэффициенти (Св, %)			пилла вазни, г
		капалак ҳаёти давомийлиги, сутка	капалак тана ўлчами юзаси, см ²	капалак тана ўлчами юзаси, см ²	
Линия 5 м	2018	22,75	26,5	3,11	
	2019	33,1	22,70	8,11	
	2020	32,9	10,95	9,31	
Линия 11 м	Ўртача	29,58	20,05	6,85	
	2018	32,3	25,8	6,74	
	2019	29,96	24,83	9,29	
Линия 66	2020	30,6	12,40	9,58	
	Ўртача	30,95	21,01	8,54	
	2018	56,1	21,9	2,14	
Линия 67	2019	27,42	20,76	7,92	
	2020	27,36	21,26	15,27	
	Ўртача	36,96	21,31	8,44	
Асака	2018	43,55	15,75	9,2	
	2019	88,1	16,48	8,45	
	2020	35,95	18,14	13,19	
Мархамат	Ўртача	55,87	16,79	10,28	
	2018	113,15	37,3	3,315	
	2019	31,74	21,17	8,68	
Мархамат	2020	29,26	18,97	8,57	
	Ўртача	58,05	25,81	6,86	
	2018	47,7	30,35	3,13	
Мархамат	2019	30,9	22,18	7,31	
	2020	25,68	12,68	7,08	
	Ўртача	34,76	21,74	5,84	



3-расм. Тизим ва зотлар капалаклари ҳаёти давомийлигининг ўзгаришчанлиги.

2018-2020 йиллар давомида аниқланган капалак ҳаёти давомийлиги ўзгарувчанлик коэффициентларининг ўртача кўрсаткичлари анчагина юқори даражада экани келтирилган маълумотларда ўз аксини топди. Капалаклар ҳаёти давомийлиги белгиси жуда кенг камровга эга бўлиб, $C_v=29,58-58,05\%$ оралиғида намоён бўлди. Зот ва тизимлар кесимида эса энг паст ўзгарувчанлик Линия 5м тизимида ($29,58\%$) ва энг юқори натижа Асака зотида ($58,05\%$) аниқланди. Ушбу ўзгарувчанлик коэффициенти зот ва тизимлар популяциясида ҳар хиллик мавжудлигини кўрсатади ва ушбу селекция белги бўйича танлашга селекция материал етарли эканини кўрсатади. Шуларга асосланиб, биз ўз тажрибаларимизда узоқроқ яшаган капалаклар қўйган туҳумларни наслга қолдиришга ҳаракат қилдик.

Диссертациянинг «Капалаклар ҳаёти давомийлигининг ҳаётчанлик кўрсаткичларига таъсири» деб номланган бешинчи бобида тажрибадаги зот ва тизимларда қуртлар ҳаётчанлиги, туҳум жонланиши капалаклар ҳаёти давомийлиги билан боғланган ҳолда ўрганилди. Тут ипак қурти капалагининг белги ва хусусиятлари биологик, ҳаётий зарур белгилар ҳисобланади. Шу билан бирга, эмбрион ривожланиши ва баҳорги даврда жонланиши уруғчиликнинг энг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. Зот ва дурагайлارнинг уруғи инкубация қилинганда, яхши оммавий жонланиши кўплаб факторларга боғлиқ. Капалаклар ҳаёти давомийлиги билан туҳум жонланиши ўртасида қандай боғлиқлик мавжудлигини тадқиқ этиш амалий жиҳатдан муҳим эканини назарда тутиб, биз қуртлар ҳаётчанлиги, туҳумлар жонланиши кўрсаткичларини селекция материалда тахлил қилдик.

Капалаклар ҳаёти давомийлиги ва туҳум жонланиши кўрсаткичларини солиштирганда, ўртача 7-8 сутка яшаган капалакларни ташлаган туҳумларини жонланиши 90% дан юқори бўлганини кўриш мумкин. Шу билан бирга, Линия 67 тизими капалаклари 2018-2020 йиллар натижасига кўра, ўртача 5,12 сутка яшаган ва туҳумлар жонланиши 88,7% ни ташкил этган. Қуртлар ҳаётчанлиги ва капалаклар яшаши ўртасидаги боғлиқликка тўхталадиган бўлсак, натижалар туҳум жонланиши белгисига мутаносиб келади. Капалаклари 7-8 сутка яшаган зот, тизимларда қуртлар ҳаётчанлиги 87,68-92,41% оралиғида бўлган. Юқорида қайд этилган Линия 67 тизимида эса бу кўрсаткич 86,7% ни ташкил этди. Қуртлик даври охири ва гумбакка айланиш давридаги касаллик фоизи (кар пиллалар) кўрсаткичи зот ва тизимларнинг энг муҳим ҳўжалик белгиларидан бири ҳисобланади. Кутилганидек, касалланиш даражаси Асака, Марҳамат зотлари ва Линия 66 тизимларида мос равишда 2,84%, 2,86% ва 3,42% га тенг бўлиб, қуртлар ҳаётчанлиги ва жонланишига мос келади. Капалаклари 5,12 сутка яшаган Линия 67 тизимида эса ушбу кўрсаткич 5,1% ёки аввалги санаб ўтилган зот ва тизимлардан деярли икки баробар кўпроқ касалланиши кузатилди.

Ушбу аниқланган барча рақамли натижалар биринчидан, зот ва тизимлар капалаклари ҳаёти давомийлиги бир-биридан сезиларли фарқ қилишини кўрсатади, иккинчидан, уларнинг туҳум жонланиши, қуртлар ҳаётчанлиги ва касалланиш фоизи капалаклар ҳаёти давомийлиги билан

узвий боғлиқликка эга эканидан далолат беради. Шулардан келиб чиқиб, ушбу муҳим кўрсаткични селекция белги сифатида баҳолаш ва селекция жараёнида максимал даражада узоқроқ яшаган капалаклардан насл олиш тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши ва иқтисодий самаралорлиги. Тажрибадаги селекция зот ва тизимлар уруғларидан тайёрланган дурагай уруғлар ишлаб чиқаришда синаб кўриш учун 2020 йил баҳорида «Фарғона Пилла Наслчилик» МЧЖ да ва Фарғона «Агро пилла» МЧЖ да парваришланди. Шунингдек, «Линия 66 x Линия 67» ва «Линия 67 x Линия 66» тизимлардан олинган дурагайлар қурт боқиш мавсумида Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида ишлаб чиқариш шартлида синавдан ўтказилди. Натижада НУСда уруғчилик бўйича қиёсловчига нисбатан 4,5 кути кўшимча элита уруғи олинди, Фарғона «Агро пилла» МЧЖ да эса қиёсловчига нисбатан 7,3 кг кўшимча пилла ҳосили ва 0,8 кг хом ипак олинди, Боёвут туман «Агро пилла» МЧЖ да ҳам юқори натижалар олинди, қиёсловчига нисбатан 5,5 кг кўшимча санатбоп пилла ҳосили ва 0,6 кг хом ипак етиштиришга эришилди.

ХУЛОСА

1. Тут ипак қуртининг турли генотипга эга 4 та тизим ва 2 та зотлари популяциясида олиб борилган илмий изланишлар натижасида насли капалакларнинг ҳаёти бир-биридан фарқ қилиши ва етарлича ўзгарувчанликка эгаллиги аниқланди.

2. Капалаклар ҳаёти давомийлигининг уч йиллик ўртача маълумотларга кўра, Линия 5м тизимида 8,02 сутка, Линия 11м тизимида 7,73 сутка, Линия 66 тизимида 7,5 сутка, Линия 67 тизимида 5,12 сутка, Асака зотида 7,19 сутка ва Марҳамат зотида 7,8 суткани ташкил этди.

3. Олинган рақамли маълумотлар капалак узоқ яшаши билан ипакчанлик кўрсаткичи пасайишини тасдиқлади: 5,12 сутка - 25,03% ва 8,02 сутка - 23,43%.

4. Капалаклар узоқроқ яшаши билан уларнинг пушторлиги мутаносиб равишда ошиши, келажақда ушбу селекция белгидан селекция ва наслчилик ҳамда уруғчилик ишларида оқилона фойдаланиш лозимлигини кўрсатади (8,02 - 643 дона, 5,12 сутка - 410 дона).

5. Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари тахлиллар натижасида капалаклар ҳаёти давомийлиги ва ипакчанлик, физиологик брақ уруғ улуши ва касаллик даражаси ўртасида салбий корреляция коэффициенти аниқланди ($r_p=-0,232$; $r_p=-0,407$; $r_p=-0,129$).

6. Капалаклар ҳаёти давомийлиги ва 7 хил биологик кўрсаткичлар ўртасида яқин ижобий коррелятив боғлиқлик мавжудлиги ($r_p=0,501 - 0,784$) ушбу белги бўйича селекция материални танлаб, популяциянинг пилла махсулдорлиги ва ҳаётчанлигини оширишда кенг имкониятлар очиб бериши мумкин.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ Ph.D.05/30.12.2019. Qx.13.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ШЕЛКОВОДСТВА

7. Селекцион тизим ва зотларнинг капалак хаёти давомийлиги ва N ҳамда оксил миклдори ўртасида яққол ижобий боғлиқлик аниқланди ($r_p=0,761 - 0,995$; $r_p=0,760 - 0,993$). Ушбу коэффициентлар капалак қанчалик узок яшаса, унинг танасида оксил ва N шунчалик кўп бўлиши ҳамда метоболитик жараёнларни интенсификацияси кечишини билдиради.

8. Уч йиллик маълумотларга биноан капалаклар хаёти давомийлигининг ўзгарувчанлиги анчагина кенг қўламга эга бўлиб, $C_v= 29,58 - 58,05$ % оралиғида намоён бўлди. Ушбу ўзгарувчанлик коэффициентлари зот ва тизимлар популяциясида хилма-хиллик мавжудлигини кўрсатади ва танлаш учун асос етарлигини исботлайди.

9. Тадқиқот натижалари капалаклар хаёти давомийлиги ва энг муҳим технологик белгилар ўртасида ўзига хос боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Фақатгина толаннинг метрик номери кўрсаткичини капалаклар хаёти давомийлигига боғлиқ эмаслиги исботланди.

10. «Тут ипак қуртининг селекция тизимларини капалаклар хаёти давомийлиги бўйича баҳолаш» услубиёти асосида тажрибадаги дурагайлар, «Фаргона пилла наслчилик» МЧЖ да киёсловчига нисбатан 4,5 кути кўшимча элита уруғи олиниб иктисодий самарадорлик 659655 сўмни, соф фойда 271862 сўмни ташкил этди, Фаргона «Агро пилла» МЧЖ да киёсловчига нисбатан 7,3 кг кўшимча пилла хосили ва 0,8 кг хом ипак олинди бунда иктисодий самарадорлик 252000 сўмни, соф фойда 52740 сўмни ташкил этди. Боёвут туман «Агро пилла» МЧЖ да эса киёсловчига нисбатан 5,5 кг кўшимча пилла хосили ва 0,6 кг хом ипак олинди бунда иктисодий самарадорлик 189000 сўмни, соф фойда 35355 сўмни ташкил этганлиги ўз исботини топди.

ХУДАЙБЕРДИЕВА УМИДА САИДРАСУЛОВНА

ОЦЕНКА НОВЫХ СЕЛЕКЦИОННЫХ ЛИНИЙ ТУТОВОГО
ШЕЛКОПРЯДА НА ОСНОВЕ ПРОДОЛЖИТЕЛЬНОСТИ ЖИЗНИ
БАБОЧЕК

06.02.04 – Шелководство

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ

Ташкент 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.1.PhD/Qx394.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете и Научно-исследовательском институте шелководства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме) размещен на веб-странице по адресу www.agrar.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net/uz.

Научный руководитель:

Наврзулов Собир Наврузович
кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Официальные оппоненты:

Исматуллаева Дилором Адилловна
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Батирова Азиза Негмуратовна
доктор философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Ведущая организация:

Научно-исследовательский институт животноводства и птицеводства

Защита диссертации состоится «22» 04 2022 года в 10 часов на заседании Научного совета PhD 05/30.12.2019 Ок.13.02 при Ташкентском государственном аграрном университете. (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: info@feda.uz Актовый зал, 2-этаж, Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано за № 545523). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Центральное здание 1-этаж Информационно-Ресурсного Центра ТГАУ. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «06» 03 2022 года.
(Реестр протокола рассылки №1 от «12 февраля» 2022 года)



Ш.Р.Умаров
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

У.Т.Данияров
Член Научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., доцент

А.Г.Гаиев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире насчитывается более 1000 пород тутового шелкопряда, принадлежащих к семейству *Bombycidae* китайского и японского происхождения. Моновольгинные группы с диплоидным набором 56 хромосом являются наиболее продуктивными породами и эти породы линии служат отправной точкой для создания новых продуктивных и технических пород и гибридов тутового шелкопряда, пригодных для различных регионов. На сегодняшний день важной задачей остается создание новых линий, пород и гибридов тутового шелкопряда, устойчивых к различным стрессовым условиям, отвечающих высоким требованиям промышленности высокой жизнеспособности и продуктивности.

В мире проводятся обширные научные исследования по созданию пород и линий тутового шелкопряда с высокими показателями продуктивности и жизнеспособности и репродуктивных свойств, а также по размножению несколько раз в год, по налаживанию их товарного использования в шелководческих предприятиях. Исследования в этой области привели к выращиванию 40-45 кг живых коконов на 1 cassette (14,5 г), или 80-85 кг на 1 коробку гусениц шелкопряда (29 г) за один цикл кормления гусениц шелкопряда в КНР. Адаптация ранее созданных пород и промышленных гибридов к различным климатическим условиям и резкое изменение технологических свойств шелкового волокна требуют приобретения новых селекционных линий, основанных на современных методах селекции генотипов тутового шелкопряда и создания промышленных гибридов, продуктивность и технологические характеристики которых соответствуют требованиям мирового рынка.

